

Таъзия



09:01 / 08.10.2019 1290

«Ҳилол» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси – Жиззах вилояти Зомин тумани бош имоми-хатиби ва «Маърифатли» жоме масжиди **имом-хатиби, Равшанов Аброр домланинг** оталарининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча чеккан заҳматлари, тортган дардларини каффорот қилиб, барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!